



ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 20 март № 12 (189)

Сотувда нархи эркин

АССАПОМ, НАВРЎЗ!

Хурматли муштарийлар! «Хабар» газетасининг байрам сони қўлингизда! Ўзбекистон алоқачиларининг газетаси ёруғлик юзини кўрганга тўрт йил бўлди. Тўрт йилки, «Хабар» сизга яхши хабарлар элиб турибди.

Газета ўзининг дастлабки сони, илк мақолаларидан бошлаб кенг жамоатчиликни алоқа кор-

кил этган.

«Хабар» газетасида «Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник сувязиста» саҳифалари чиқа бошлади. «Алоқачи ҳамроҳи»нинг шу йил 1 мартда чоп этилган дастлабки сониде кенг жамоатчиликка муайян қизиқиш уйғотувчи мақолалар чоп этилди.

Алоқа вазирлиги фаолияти, уни-

ша-тола кабелида Транс-Осиё-Европа кабель магистрали қурилишининг бошланиши ҳақидаги мақолалар берилди. Муштарийлар «Ўздунробита», «Камал ТВ» каби қўшма корхоналар фаолияти, хоржий ҳамкорлар иш-тироқида Тошкент ва Урганчдаги алоқа заводлари қурилиши ху-

«ХАБАР» — ТЎРТ ЁШДА

хоналари фаолияти, меҳнат жамоалари ҳаётини атрофича ёритишни асосий максат қилиб қўйди. Ўзининг диққатини аввало алоқа ходимларининг кундалик фаолиятига оид янги маълумотлар фикр алмашувлар, тажрибалар, кузатишлар, тақлифларни ёритишига қаратди.

«Хабар» ижодий гуруҳи у қадар катта эмас. Журналистларимиз алоқа корхоналари фаолиятининг муайян касб-кор билан боғлиқ жиҳатларига чуқурак кириб бориш ва улар хусусида яхши ёзиш малакасини тобора пухтароқ эгаллаб бормокдалар.

Тўрт йил мобайнида газета аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш борасидаги масалаларни, алоқа корхоналари ҳаётидаги муҳим воқеаларга ўз муносабатини билдирмоқда. Газетада Ўзбекистон алоқа ташкилотларида рўй бераётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотлар, янги техника ва технология асосида қурилаётган корхоналар, хоржий компаниялар ва фирмалар билан ҳамкорликлар, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш ва ривожлантириш бўйича ҳукуматимиз қабул қилган Миллий дастурининг бажарилиши хусусида атрофича маълумот бермоқда. Газета алоқа соҳаси фахрийлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш илгорларига бағишланган махсус рўқналар таш-

кил ҳайъатида қўрилган муҳим вазифалар ва қабул қилинган қарорлар хусусидаги ахборотлар ҳам мунгазам берилмоқда. Газета қўлгина корхоналарнинг илгор иш тажрибаларини ёритмоқда. Янги шароитда республика алоқа ташкилотлари таркибидаги ўзгаришлар, соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хусусидаги мақолалар ўқувчиларимизнинг эсларидадир. Бу ўринда гап алоқа корхоналари ҳаётидаги энг оғир даврлардан бири хусусида кетмоқда: собиқ Иттифок парчаланди, аввалги алоқалар узилди, аммо Ўзбекистон алоқачилари, марказдаги ва жойлардаги раҳбарлар алоқа корхоналарининг фаолият кўрсатиши қобилиятини сақлаб қолдилар, улар таркибининг бузилишига йўл қўймадилар. Ҳар қандай мушкулот ва машаққатларга қарамай «Хабар» Ўзбекистон алоқа тармоқлари фаолиятидаги мўътадиллик ва изчилликни ҳаққоний кўрсатди.

Республикамиз алоқа тармоқларини ривожлантириш ва тараққий эттириш бўйича хоржий давлатлар ва фирмалар билан ҳамкорликлар тажрибаси ҳамда амалиёт ҳақидаги мақолалар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Халқаро фазовий алоқа бўйича дастлабки станцияларнинг ишга туширилиши, дастлабки рақамли электрон АТСлар, Тошкентда транс тизимини яратиш учун алоқанинг радиореле линиялари қурилишлари ши-

сусидаги хабарлар билан танишиб бораётдилар.

Газета алоқа соҳаси фахрийлари ва бугунги кунда ўз меҳнатлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган илгорлар номини қўчликка танитди.

«Хабар»нинг муаллифлари орасида вазирлар ва академиклар, корхона раҳбарлари ва малакали мутахассислар бор. Доимий муаллифларимиз А. Қ. Қудинов, Т. Лутфуллаев, Р. Отаули, М. Махмудов, Н. Тоғаев, К. Турсунов, А. Анбарзонов, М. Қамбаров ва бошқалар биз билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар.

«Хабар» саҳифаларида чоп этилаётган эдабиёт ва санъат ҳамда маънавиятга доир материаллар ҳам муштарийларга маъқул бўлмоқда. Аммо биз ўз ишимиздан ҳали тўла қаноат ҳосил қилаолмаймиз.

Тахриратимизнинг режалари катта. Улар муштарийларимиз талабларини тўлароқ қондиришга қаратилган. Биз жойлардан — вилоят ва туман корхоналаридан, қишлоқ алоқачилари номидан кўпроқ хат-хабарлар, мақолалар келишини оруз қиламиз.

Хуллас, Ўзбекистон алоқачилари ҳаётини кенгроқ ёритиш «Хабар»нинг бош мақсади дидир. «Хабар»га ёзинг. «Хабар»ни ўқинг, азиз муштарийлар! «Хабар» — Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиздир!



ХУШ КЕЛДИҲТ, БАҲОР!

Тун-кун йўлларингга боқиб интиқ-зор, Довонлар эриди, қирдан кетди қор. Қишнинг зулматидан чиқди-ку омон, Қадим Туркистонга хуш келдинг, баҳор!

Жимжитлик бир ажиб руҳга чулғанди, Ўтрор, Афросиёб қалқиди, уйғонди, Боболар руҳига чечаклар ёнди... Қадим Туркистонга хуш келдинг, баҳор!

Хирот боғларидан еткурдинг салом, Темур, Афсавийга қилдинг аҳтиром, Чунки сен чегара билмайсан мудом, Қадим Туркистонга хуш келдинг, баҳор!

Юртим, қўқлам сени бунчалар суйди, Балки туғроғингга бир ҳикмат туйди, Сенга қанд қилганинг кўзлари қуйди... Қадим Туркистонга хуш келдинг, баҳор!

Офтоб имингдодир — барқ урган чоғинг, Титратсан Туронни эзгу янроғинг, Мангу халқирасин яшил байроғинг, Қадим Туркистонга хуш келдинг, баҳор!

Мирпўлат МИРЗО

ОЛАМДА НИМА ГАП?

* ЯНГИЛИКЛАР * ВОҚЕАЛАР * ХАБАРЛАР

* Матбуотда «Халқаро Амир Темур жағғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ва «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов 15 март кун Халқаро валюта жағғармасининг ижрочи директори Даниэл Кейзер бошчилигидаги ушбу халқаро молиявий ташкилот делегацияси аъзоларини қабул қилди.

* Пойтахтдаги «Наврўз» тантаналар уйда 1995 йилнинг энг яхши спортчилари ва уларнинг устозлари ҳамда фахрийларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Эрта билан ош тортилди. Байрам қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар тўшадилар.

* Тошкент молия институтини Истиклолнинг беш йиллигига бағишланган «Мустақиллик ва ўзбекча фазилатлар» мавзусида республика

илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

* Дудаевни қамоққа олиш мумкинми деган саволга Чеченистон прокурори Воҳид Абубакиров шундай жавоб берди: «Айтишларича, Чеченистондаги уруш учун ҳар ойда 40 миллион доллар сарфланаётган экан. Мен ана шу маблағдан бир миллионни Дудаевни тутиб келтириш учун сарфлашни тақлиф қилган бўлардим. Шунда масала ҳал бўларди. Аммо Москвага қўлга туширилган Дудаев керак эмасга ўхшайди».

* Сенатор Р. Дуул АҚШ президентлигига кузда бўлиб ўтадиган сайловларда республикачилар партиясидан қўйилмайдиган асосий номзодга ўхшаб қолди. У ҳозиргача лозим бўладиган 996 вакил овозининг 737 тасини қўлга киритди.

* Янаги йил бўладиган БМТ Бош қотиби сайловларида Қирғизистоннинг Люксембургдаги элчиси Чингиз Айтматов бу юксак лавозимни эгаллаши мумкин. Бунинг учун машҳур ёзувчининг барча имкониятлари бор, деб ёзади Туркияда чиқадиган «Миллиёт» газетаси.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА УЯЛИ ТЕЛЕФОН

«Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси мутахассислари Андижонда уяли радиотелефон алоқа станциясида тайванлаш ишларини нихоясига етказдилар. Дастлабки тажриба-синов ишлари 40 километрлик масофада юқори сифат билан ўтказилляпти. Бу тажрибалар режага кўра «Наврўз» умумхалқ байрамига қадар якунланади. Шундан сўнг Фарғона водийсида дастлабки уяли телефон хизматидан фойдаланиш бошланади.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси ўз ҳамкори — АҚШдан Фарғона ва Наманган шаҳарларида қурилиши мўлжалланган уяли телефон станциялари учун алоқа жиҳозлари келтиришда давом этаётир.

ТОМОНЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

«Ўзбектелеком» концернининг ҳафталик сим орқали йиғилишларида сўнгги ойларида мижозлардан алоқа хизмати ҳақини ундиришдаги қийинчиликлар ва муаммолар барча электралоқа корхоналарида мавжудлиги, айниқса ташкилотлардан дебитор қарзларни ундириш мушкуллашган ҳақида кўп гапирилмоқда. Шунга ўз мубоҳабатимни билдирмоқчиман.

Боғламамизда ҳар бир мижоз билан хизмат кўрсатиш қоидалари, ўзаро жавобгарлик ва фойдаланган хизмат учун ҳақ тўлаш шартлари, вақтида тўламагани учун жарима миқдори белгиланган шартномалар тузилган. Шу боис қарздор ташкилот, жамоа хўжаликлари раҳбарларига имзоланган шартнома талаблари бажарилмагани учун тўланмаган қарзга кечиктирилган ҳар бир кун учун 1 фоиздан жаримани кўшиб, белгиланган муддатда тўланмаса ўтди. Бу қасбнинг муружаат этишимизни билдириб, оғохлантириш хатлари ёзаямиз. Шулар қаторида 500 сўмдан кўп қарзи бўлган 17

фуқаронинг ҳужжатлари халқ судига топширилди. Шунга қарамай аҳоли ва жамоа хўжаликларидан 1 миллион сўмга яқин дебитор қарзларни ундириб ололмаямиз.

Бажарилган хизмат учун аҳолидан ҳақ ундиришни яхшилаш мақсадида боғламада мижозлар бўлими ташкил этиб, унга тўплаган маблағидан маълум фоизни маош қилиб белгилаб, ишбай ҳақ тўлаш шarti билан ишчилар олиб, дебитор қарзларни анча камайитиришга эришган эдик. Бироқ маош фонди банклар томонидан назоратга олингандан сўнг кўшимча ходимларга жавоб беришга тўри келди, бу вазифани боғламадаги ходимлар ўз вазифаларига қўшиб уйдлашаётгани боис иш ҳажмига қараб рағбатлантириляпти. Аммо иш сифати ёмонлашиб, дебитор қарзлар ошиб бормоқда.

Мижозлардан қарз маблағларни ўз вақтида ундириш, дебитор қарзларнинг бўлмаслиги учун қуйидагиларни тақлиф қилмоқчиман.

Сўнгги йилларда почта корхоналари ходимларининг иш ҳажми камайиб кетганлиги, уларни деярли ҳар бир хона-

донга кириши, нафақа ва пул жўнатмаларини бевосита уйларига етказиб беришни ҳисобга олиб, мижозларнинг алоқа бўлимига келишни кутмасдан ҳар ойда почтачиларнинг электр, газ, телефон ва радио хизмати учун мижозлар хонадонидан пул қабул қилишларини йўлга қўйиш керак. Масалан, туманимизда телефон, радио, электр ва газ учун аҳолидан ҳар ойда ўртача 4 миллион сўм пул тушимидан 2 миллион сўмнинг почта боғламаси қабул қилса, ҳар ойда кўшимча 200 миң сўм даромад олинади. Мижознинг хонадонидан хизмат кўрсатгани учун ундан ҳар бир қвтанция учун кўшимча 1 сўмдан олинса, ойдаги кўшимча 4 юз кўшимча даромад келади. Бу даромад ҳисобида соҳани ривожлантириш, ходимларнинг маошини ошириш, уларни транспорт, махсус кийим-бош билан таъминлаш учун моддий асос яратилган бўларди. Бунинг учун «Ўзбекистон почтаси» концерни, почта корхоналари ва боғламалар раҳбарлари электралоқаси, электр тармоқлари ва газлаштириш идора раҳбарлари билан шартнома тузишлари керак. Шунингдек,

қарздор мижозлар рўйхатини олиш, ҳар бир почтачига аниқ вазифа бериш ва унинг бажарилишини таъминлаш назоратга олиниши, кўшимча хизмат учун бажарилган иш ҳажмига қараб ҳақ тўлашни ташкил этиш керак бўлади. Уйлайманки, хонадонлардан қабул қилинган маблағдан почта корхоналари даромад олади, мижозларнинг вақти тежалади, қарздорлар сони камайди, алоқа ходимларининг хизмат сифати яхшиланади ва алоқа соҳасини янада ривожлантиришга имкон туғилади.

Агар почта корхоналари ўз зиммаларидаги вазифаларни яхши бажаришмаса, электралоқаси, электр тармоқлари ва газлаштириш идоралари таъсисчи бўлиб, ҳар бир туман ва шаҳарда мижозларнинг хонадонларидан кўрсатилган хизмат учун ҳақни расмийлаштирадиган корхона тузиш орқали ҳам бу муаммони ҳал этиш мумкин.

У. УСМОНОВ,
Фарғона вилояти, Риштон
тумани электралоқа
боғламасининг бошлиғи

* Алоқа матбуот кўзгусида

КАРАТЕЧИ АЛОҚАЧИЛАР

Челябинскдаги почтачилар энди ҳар қандай талончи ва безориларга қақшатқич зарба бера оладилар. Почтачидан раҳбарлари тез-тез турли тажовузларга учраб турадиган ходимларни ўз ўзини ҳимоя қилишга ўргатмоқда. Уларни ўргатиш учун шарқ яккакураши бўйича махсус тренер ёлланди. Агар тажовузорларни қўл қучи билан бир ёқли қилиш мушкул бўлса, алоқачилар газли баллончалардан фойдаланишлари мумкин.

ЯНГИЧА КАБЕЛЬ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Катта шаҳарларда телевидение учун кабель тармоқларини тортиш жуда қийин. Москвадаги «Импульс» корхонаси бу мушкул ишни осонлаштирувчи «Кросс» деб аталувчи ихчам радиореле линияни тақлиф этмоқдалар. Бу мослама ташқи таъсирлардан яхши муҳофаза қилинган юпка ўзанда, 8 миллиметр узунликдаги тўлқинда телесигнал узата олади. Узатиш масофаси ўн километр.

МАРКА ЙИҒИШНИ КИМ БОШЛАГАН?

Биринчи марка йиғувчи герб (тамга) тўловларини тўловчи ирландиялик Жон Бурке ҳисобланади. У 1774 йили герб маркаларининг тўлиқ тўпلامини йиғган. Почта маркалари ҳали йўқ эди. Филателия тарихининг гувоҳлик беришича, почта маркаларининг биринчи тўпловчиси Жон Эдуард Грей, почта тарихидаги илк марка эса 1840 йили Буюк Британияда чиқарилган машҳур «Блэк» пенни»дир.

ЯНГИ АТСЛАР ҚУРИЛАДИ

Жаҳон банки Қирғизистонда телекоммуникация тармоқини ривожлантириш борасидаги лойиҳанинг амалга оширилишини маблағ билан таъминлашга тайёрлигини изҳор этди. Мамлакат бўйича магистрал телефон тармоғига уланган 20 та янги автомат телефон станцияси қурилади.

Ғузур туман электралоқа боғламасининг бошлиғи, Йўлдош Хусанов билан суҳбатлашганимизда Мавлуда Шарипованинг номи биринчи бўлиб тилга олди.

Мавлуда Шарипова ҳақиқатан ўз касбининг устаси, камтар, хушмуомила эканлигига ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик, чунки ғузурликларнинг кўплари буюртмаларини Мавлуда Шарипова тез ва сифатли бажариб берганлигини

ТЕЛЕФОНЧИ МАВЛУДА

миннатдорчилик билан маълум қилдилар-да.

Мавлуда Шарипова мазкур корхонага ишга келганда ёшгина қиз эди. Узининг меҳнат фаолиятини электрмантёрликдан бошлаган Мавлуда бир йилдан сўнг, яъни 1974 йилда телефончиликка ўтди. Бу касбнинг баланд-паст жиҳатларини эринмай ўрганди, ҳамкасблари йўртасида ҳурмат қозонди.

Ҳозир у катта телефончи, Ашурой Зияева, Люба Коол, Земфира Рўзиева, Мавжуда Равшанова, Муҳаббат ва Муҳайё Баратовалар ҳамда Марина Мусиналар билан бирга ғузурликларнинг узоғини яқин қилмоқда.

— Мен алоқачилик касбини танлаганимдан ва бутун умримни алоқа ишига бағишлаганимдан хурсандман, чунки ҳаётимни сеvimли касбимсиз тасаввур қила олмайман, — деди Мавлуда у билан кўришганимизда. Мадомики шундай экан, мамлакатимизда алоқа ишлари ишончли қўлларда деб дадил айтиш мумкин.

Шоҳруҳ АКБАРОВ,
«Хабар» мухбири,
Қаҳқачларё вилояти



Телефон каналларининг ҳолатини техник талабларга жавоб бериши шаҳарлараро сўзлашув жараёнида жуда муҳимдир.

Суратда: Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси муҳандислари А. АЙМЕТДИНОВ ва А. СЛОБОДЕНЮКлар телефон каналлари ҳолатини текширмоқдалар.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

Доимо яратил ишчи билан ёнган безовта қалблар учун 24 соат кўз очиб юмғунча ўтиб кетмоқда. Шу сабабким, 1995 йил 22 мартда «Наврўз» кунлари Алоқа вазирлиги «хонадонидан» дунёга келган, «Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома» олган «Алоқабанк» бир ёшга тўлганлигини ҳам сезмай қолди. «Алоқабанк» Республика Марказий Банки раҳнамолигида «Ўзсанотқурилишбанк» этагидан

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

тутиб, «Пахтабанк», «Халқ банки» каби «ака»лари ортидан борди.

«Алоқабанк» кун сайин эмас, дақиқа сайин ўсиди, унга Алоқа вазирлигининг «Ўзбектелеком», «Тошкент почтаси», «Ўздунробиота», «Сабот» дек васийлари «кўз-қулоқ» бўлиб турдилар, ёрдамларини аямдилар.

«Алоқабанк» «Елғиз отининг чанги чикмас, чанги чикса ҳам донги чикмас» деган мақолни қулоғига қуйиб олиб, «Автоўлбанк», «Геологбанк», «Трастбанк», «Туронбанк», «Фаллабанк» каби ёру дўстлар орттирди.

«Эли тўқнинг юрти тўқ» дейди халқ. «Алоқабанк» халқимизни Бухоро қорақўлидан қалпоқ, Фарғона пойабзалидан туфли кийдираман, Асака машинасига миндираман ва умуман истеймоқ бозорини тўлдирарман дегувчи тadbиркорлар кўмакчисидир.

Банк ходимлари саховатли ўзбек ерида биттан неъматлардан ош дамлаб, дўстларни 1996 йил 22 март кунин байрам дастурхонига чорлайди. «Дўст билан обод уйинг» деган халқимизнинг нақлига амал қилиб, бир пивёла чой устида кутлуг кунни биз билан байрам қилсангиз, бошимиз «Тошкент минораси»дек кўкка етарди.

«Алоқабанк» жарчиси:
Маҳаммадали ТУРҒУНОВ

Наврўз айёми Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий анъанавий Йил боши — Янги йил байрамидир. Қадимда Хамал ойининг кириши кеча билан кундузнинг баравар бўлиши йил боши ҳисобланган. Кеча билан кундузнинг баҳордаги тенглашган нуқтаси 21 мартдан 22 мартга ўтар кунига тўғри келади. Жуда қадим даврлардан бунён кунни «Наврўз» — Янги кун (Янги йил) ҳисоблаб, тантанали равишда ўтказишган. Тўрт фаслнинг бири — баҳор йил-

руний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига таъкидлашчи, Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилганича, дараклар гуллашдан мевалар етилганича, ўсимлик униб чиқа бошлашидан тақомиллашганича, ҳайвонларда шаҳват кўзголишидан то насл уйғунганича давом этган вақтда байрам қилинади. Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган.

Наврўз байрами «Сумалак базми», «Кўшчи оши», «Ха-

МУҚАДДАС ОЙЛАР

МУХАРРАМ ОЙИ. Бу ойнинг биринчи кунини улуғланади. Чунки бу кун йил аввали ва сана бошланишидир. Бу ойнинг яна бир кенг тарқалган номи «Ашир ойи» ҳам дейилади. Мухаррам ойининг ўнинчи кунини тўрт халифадан бири Ҳусайн ибн Абу Толлиб ўлдирган. Мусулмонлар шу кунни Карбалодаги саодатли қабр (Ҳусайн ғўри)ни зиёрат қиладилар.

САФАР ОЙИ. Бу ойда баъзилар ирим қилиб, бирор ёққа сафар қилишдан ўзларини тийганлар. Сабаби бу ойда ислом ақидасига кўра, бир қанча бахтсиз кунлар

қайд этилган. Бу ойнинг йигирма тўртинчи кунини Мухаммад пайғамбар душманлари таъкиби туфайли Маккадан қочиб, ғорга яширинган.

РАБИ АЛ-АВВАЛ. Бу ойнинг ўн иккинчисиди душанба кунини Мухаммад пайғамбар туғилган. У туғилган кун исломда мавлуд (арабча «мавлуд» — туғилиш) деб нишонланади.

РАЖАБ. Бу ойда бир қанча хайрли кунлар бўлган. Жумладан, ражаб ойининг йигирма олтинчи душанба кунини Мухаммаднинг пайғамбарлигига ваҳийлик юборилган.

РАМАЗОН. Мусулмонларда бу ой рўза ойидир. Рамазон

туғаш билан мусулмонлар ҳайит қилишади.

ЗУ-Л-ҲИЖЖА. Тўққизинчи зу-л-ҳижжа кунини «арафа» деб аталади. Бу Арафот тоғида (Макка шаҳри яқинида) катта ҳаж зиёрат кунидир. Ҳаж маросимини ўташ учун келган одамлар (шу кунини «арафа» билиш, танишиш) дейилади. ЗУ-Л-ҲИЖЖА ойининг ўнинчиси қурбонлик қилинади, яъни жонлик сўйиш кунидир. Бу кун ҳаж кунларининг охиригидир.

НАВРЎЗ АЙЁМИ

нинг янги фасли ҳисобланади.

Наврўз байрами ҳақида Абу Райҳон Бериунининг «Китоб ат таҳзим» («Тушунтириш») ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида маълумотлар берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит — турк» асарида баҳор ва Наврўз байрамига бағишланган халқ лирик кўшиқларидан намуналар учрайди. Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарларида Наврўз ҳақида қимматли маълумотлар бор. Наврўз кишиларни ҳаётда яшаш ва курашга чорлаган, табиат гузалликларини тилсимотидан хабардор қилган. Халқимиз Наврўзни аччиқ замонлар заълидан, тарих тўфонларини асраб-авайлаб олиб ўтган.

Яқин тарихимизда Наврўзга ёмон муносабатни ўз кўзимиз билан кўрдик. Мустақиллик замонинида Наврўз тантанали равишда байрам қилинмоқда, янги мазмун ва усуллар билан бойитилмоқда.

Наврўз кунларида гинакудуратлар, адоватлар унутилиши, ўзаро ҳамжихатлик, бирдамлик бўлиши қадим анъанадир. Одамлар Наврўз келишидан бир неча кун илгари тайёргарлик кўрганлар: бугдой ёки арпа ундириб қўйиб, сумалак пиширганлар. Наврўзга бағишлаб сайилар, маросимлар уюштирилган. Кексалар ва ёшлар кечаси билан ухлამасдан эртак ва ҳикоялар, шеър ва кўшиқлар айтишиб, ўйин-кулги билан Наврўзни кутиб олишган. Наврўз кунлари тоза ва янги либослар кийиб, болаларга байрам совғалари улашилган, кексалар, беморлар бориб кўрилган. Байрам тантаналарида улоқ, кураш сингари ўйинлар ўтказилган.

Анъанага кўра, Наврўз байрами бир неча кун давом этади, Абу Райҳон Бе-

шар», «Дарвешона» каби сайилар ва маросимларни ҳам ўз ичига олади.

Наврўз — янги меҳнат йилининг бошланиши бўлганидан бу кунларда «Сумалак базми», «Биринчи пушта», «Биринчи экиш», «Дон, майса ва сув кунини», «Табиатга меҳр-саховат» ойлиги, бола-ларнинг «Бойчечак» байрамлари ўтказилади. Наврўз кунлари уюштирилладиган халқ ҳашарларида ариқ ва зовурлар тозаланади, ниҳоллар ўтказилади, гулзорлар, боғроғлар барпо этилади, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар ва қабристонлар тартибга келтирилади.

Вақтихушлик, хурсандчилик, ўйин-кулги, турли спорт мусобақалари, (улоқ, кўпқари, кураш, арқон тортиш) мушоира Наврўз байрамининг баддий безаклари ҳисобланади. Чавандозлар, полвонлар, кизикчилар, дорбозлар, пазандалар, Наврўз байрамида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Шу тариқа Наврўз нафосат ва гузаллик, назокат ва латифлик кўригига айланади.

Кексалар хурматини жойига қўйиб, уларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, айни пайтда кексаларнинг ҳалол меҳнат, одамийлик ҳақида ёшларга ўғит-насихат қилишлари ҳам Наврўз даврасига жуда ярашади.

Наврўз халқимизнинг ахлоқий-эстетик туйғуларини ўстиришга, инсонийлик қадриятларини қарор топтиришга хизмат қилади. Наврўз айёмида Ҳазрат Муқимийнинг ушбу сатрлари ёдга тушади:


Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар. Ҳўш бу мақфилда тириклик улфату аҳбоб ила, Ҳайнашиб гоҳи табиатни қилайлик чоғлар...

Ғуломхон ҒАҒУРОВ

СУМАЛАК ШИФОБАХШ

Сумалак йилда бир мартагина тайёрлаш мумкин бўлган ноёб таомдир. У таоминга эмас, шифобахш дори ҳамдир. Сумалакда инсон аъзоларида жуда тез қонга ва лимфа суюқликларига сўриладиган монохорид бор. Унинг оксиди ҳам жуда нозик бўлиб, аъзои баданимиздаги миллиардларча ҳужайралар учун энг яхши озуқади. Сумалакда яна бирмунча фойдали жавҳарлар билан бир қаторда соғу бемор учун барбор зарур бўлган С ва Е каби витаминлари маъжуд. Е витамини эркакларни наслсизлик касалидан ва аёлларни бевақт ҳомила ташлаш офатидан асрайди.

Сумалак гипертония касаллигига энг яхши даво, у қон таркибини яхшилайдиган. Томирлар торайган бўлса, қонни суюлтиради. Яна сумалак ошқозон ва ичак йўлини тозалайди, унинг фаолиятини кучайтиради, яъни ичкни яхши юриштиради. Кишининг иссиғи ортиб кетган бўлса, мўътадиллаштиради. Уйқусизликда қаттиқ ухлатади ва натижада сумалак еб ором олган кишининг асабларини изтиробдан халос қилади.



Сумалак сузинг, она...

* Эй фарзанд... ақл юзасидан билгилки, ота-онанг иззат ва ҳурматини бўйинга олиш лозимдир. Нима учун ота-онани ҳурмат қиламан, деб кўнглингга келтирмагин. Билгил, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турдилар...

* Агар ҳар бир фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳри-муҳаббатини

ҲИҚМАТЛАР

адо қилишдан бош тортмайди. Ота-онанинг иши сени парвариш қилиш ва сенга яхшилик ўргатишидир.

* Эй фарзанд, ота-онанинг қўнглини ранжитма, уларнинг қалбини азоблама.

* Сен ота-онанг ҳақида дин нуктаи назаридан риоя қилмасанг ҳам ақл ва мурувват нуктаи назаридан риоя қил, кўргил, ота-она сени жон дили билан парвариш қилишлар, агар сен уларга нишбатан хато иш қилсанг, сен яхшиликка сазовор эмассан, чунки ҳар киши ота-онанинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо беролмайди ва ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенга шундай иш қилади.

* Одам мевага, ота-она даракатга ўхшайди. Даракатни яхши тарбия қилсанг, меваси яхши ва ширин бўлади, шунингдек, ота-онага иззат ва ҳурматни кўпроқ қилсанг, сенинг ҳақингдаги уларнинг дуоси тезроқ мутаваб бўлади.

* Мерос олиш ҳирси билан ота-онанинг ўлимини аспо

НАВРЎЗ ЛАТИФАЛАРИ

Термиз-Тошкент поездиди вагон-ресторанга кириб чиққан йўловчи ўз вагонини купесини тополмай ҳуноб эди.

— Бу қандай гап ахир? — деди проводник ҳуноб бўлиб. — Лоқақ вагон рақамини ҳам эслаб қолмадингизми?

— Рақамку эсимда йўқ, аммо дераза ортида бодомлар қийғос гуллаган эди.

— Наврўзда чойхонада туни билан маишат қилиб, эрталаб уйга келсам хотиним кечаси уйимизга ўғри тушганини айтди.

— Ўғрини туттидимми? Қаерда энди у?

— Касалхонада. Хотиним тунда мени келган деб ўйлабди.

— Азизим, бугун Наврўз байраму! Турмуш қурганимизнинг 25 йиллиги. Бу воқеани бўлақча бир тарзда нишонласан.

— Бўпти. Бир дақиқа сукут сақлаймиз.

— Дўхтиржон, кеча сиз тилимни чиқариб туришга буюриб, лоқақ унга қараб ҳам қўймадингиз?

— Дориға буюртманни сукунатда ёзмокчи эдим-да.

— Дўконга янги ҳисобчи керак!

— Битта кўз остимга олиб қўйганим бор, — деди товаршунос дўкон мудирига, — аммо у янаги Наврўзгача ўтириши керак.

Наврўз кунини эр-хотин жанжаллашиб, милицияга борди.

— Кўлтиқтаёқда зўрга турган мана шу эрингизни мени урди деб ишонтиромқчи бўлаёписизми? — деб сўради милиция ходими шоқлатчи хотиндан.

— У ура бошлаганда ҳали кўлтиқтаёқда эмас эди.

Наврўз кунини Самарқандга самолёт учини олдиқдан сайёҳ учувчидан сўради:

— Умид қиламанки, бир ярим соатдан сўнг ҳаммамиз эсон-омон ерга қўнамиз, шундайми?

— Ташвишланманг, албатта қўнамиз. Шу маҳалгача ҳали ҳеч ким осмонда қолиб кетмаган.

Наврўз байрамига кетаётган йигит отасидан сўради:

— Отажон, хотин билан кўчада кетаётганда эркак қайси томонда бўлиши керак?

Савдо растаси томонни тўсиброк юрган маъқул.

«Бобурномада» муаллиф «Боги вафо» номи билан курган чорбоғи ҳақида хикоя қилар экан, бу боғнинг ўзига хос лағфати, меъморчилик обидалари гўзаллигини маҳорат билан тасвирлайди: «Ери муртаб, оқар суйи мутта-сил, ҳавоси қишлар мўътадил, боғнинг ўртасида бир кичикроқ пушта воқеъ бўлиб-тур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғни-нг ичидаги пуштанинг густи-дин ҳамиша жорийдур. Боғ ўртасидаги чорчама бу пуш-танинг устида воқеъ бўлиб-тур. Боғнинг ғарби-жанубий тарафида даҳи дар даҳ ҳав-зедур, атрофи тамоm норунж дарахтларидур, анор дарахт-лари ҳам бор.

Бу ҳавзнинг гирдо-гирди тамоm себаргазордур. Бу боғ-нинг айни ери ушбўдур. Норунжлар саргарон маҳалда бисёр яхши кўринур, ҳейли яхши бир воқеъ бўлибтур».

Заҳириддин Бобур даври-даги меъморчилик обидала-ри, айниқса, Афғонистондeк тоғли минтақанинг ўзига хос меъморий-қурилиш услуби киши диққатини ўзига тор-тади. Бобур тасвиридаги Кобул арки-қалъаси фикримизнинг далилидир. Бобур арк қури-лишида меъморнинг минта-қадаги тоғли шароитни, қайси томонда бог-роғ бўли-шию, қайси томондан шамол эсиши инобатга олинганли-гига, арқадаги шимол томон-га қараб очиладиган дарчали уйлارга алоҳида эътибор берган. Дарҳақиқат, ёз ойла-ри Парвон томондан ёқимли

салқин шабада эсиб туради. Хо-зир ҳам Парвонда қурилган ак-сар иморатнинг деразаси ши-мол томонга қаратилганлиги бежиз эмас: «Шоҳи Кобул то-ғидин бир тумшўқ айрилиб ке-либтур, Уқобайн дерлар. Уқо-байндин бошқа яна парчагина тоғ тушубдур. Кобул қалъаси-нинг арки бу тоғнинг устида-дур. Улуғ кўргон арқнинг ши-

«Кўргоннинг шарқи-жанубий жонибида бир мавзун тоғ ту-шубтур. Барокўға мавсум... Бу тоғнинг қулласида Султон Маҳ-мудхон бир хужра солибтур, ул хужрадин куйроқ ушбу тоғни-нг тумшўғида тариқ тўққиз юз иккида мен бир айвонлик хуж-ра солдим. Агарчи ул хужра мундин муртафеъдур, вале бу хужра бисёр яхшироқ воқеъ бў-

ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозгонди...» — деб ёза-ди. Айни пайтда Бобур Хи-ротдаги кўп улуг касб эга-ларининг хайрили ишларини мактаб, ҳар бирига алоҳида таъриф беради.

Бобур Кобул шаҳрида Ча-нор боғининг дарвозаси қо-шида қурилган ўзининг Су-ратхонаси ҳақида гапириб ўтади. Суратхона унча катта бўлмаган иморат бўлиб, ун-да турли учрашувлар ўтка-зиб турилган.

Заҳириддин Бобур Хи-ндистонда ўз салтанатидаги иктисодий ва маданий ҳаёт-ни янада жонлантиришга ас-тойдил бел боғлайди. Айниқса, ободончилик, ку-рилиш, меъморчиликка эътибор беради. Бобур ўз паноҳига олим ва фозиллар, шоир ва мусаввирлар, меъ-мор ва санъаткорларни йи-ғиб, уларни иш ва маош би-лан таъминлайди.

Бобур ўз замонасидаги меъмор, устакор хунарман-длар ва бинокорларнинг ша-рафли ишларини олқишлаб, уларни ҳурмат юзасидан ўс-тод деб атайди. Устод Ха-сан Али меъмор, устод Сул-тон Муҳаммад бинокор, ус-тод Шоҳ Муҳаммад тоштаро-ш, Мир Муҳаммад кўприк-чи, Шо Бобой белдор (ер қазувчи маъносиди), устод Алиқули тўпчи шулар жум-ласидандур.

Саидбурҳон АСҚАРХУЖАЕВ

БОБУР БОҒЛАРИ

молидадур. Бу арк ғариб мур-тафеъ ва яхши ҳаволик ер во-қеъ бўлибтур. Бу улуг кўл ва уч ўлангаким, Сияхсанг ва сў-нак кўрғон ва Чолок Бўлғай, мушрифтур. Борча оёқ остида-дур. Уланглар сабзалиқ маҳа-лида бисёр яхши кўринур. Ёз-лар Кобулда шимолӣ ели кам эсадур. Арқта шимол сари дар-ричалик уйлар асру хушҳаво-дур».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлигиданок меъморчилик ва қурилишга эътибор билан қа-раганлигига бир мисол бор. Муаллиф 1493 йил воқеъалари тасвирида Уш қасабаси ҳақида хикоя қилар экан, ўша пайтни-нг ҳокими Султон Маҳмудхон солган иморати билан ўзи кур-ган иморатни солиштиради. Бунда ёш Бобурнинг иморат ку-риш учун кулай ер танлагани, бинонинг гўзал бўлишига эъти-бор қилганлигини кўраимиз:

либтур: тамоm шаҳр ва маҳал-лот оёғ остидадур».

Бобур Фазни кентларидан биридаги мазор устига гумбаз ҳам ўрнатган. У эл-юртда вайро-нагарчилик, бузғунчилик уруш-ларини олиб борган феодал ху-кмдорларни қоралайди. Шулар-дан бири Аловуддин Жаҳонсўз Ғурий Фазнини босиб олади ва шаҳарни бузиб, унга ўт қўяди, халқини талайди, элини қатл қилдиради. Шаҳарга яқин сув бандини бутунлай вайрон қи-лади. Бобур эса Фазни вилоят-нинг деярли барча ерига ил-ғари сув улашиб турган ушбу бандни қайта тиклаб, халқига сув беради ва вилоят ҳўжали-гини обод қилади. У Фазнидаги бошқа бандлар ҳолатидан ҳам хабардор бўлиб туради. Хирот-ни босиб олган Шайбонийхон-ни ҳам қоралайди: «...Рустойи ва нодиди киши, беш кунлик

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НАВРЎЗ ҲАҚИДА

Наврўз Худо махлуқотни ярат-ган олти куннинг биринчисидир. Кўёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва меҳржон заминнинг икки кўзидир.

Ал-Маъмун Али ибн Тусо ал-Ризодан Наврўз ҳақида сўрагани-да у: «Наврўз фаришталар улуг-лаган кундир, чунки улар шу кун-да яратилганлар, уни пайғамбар-лар ҳам улуг тутганлар, чунки Кўёш шу кунда яратилган ва уни подшоҳлар ҳам улуглаган, у за-моннинг биринчи кунидир», — де-ган.

Абуссамд ибн Алидан ривоят қилинишича, у (бу ривоятни) бо-боси Абдулла ибн Аббосга олиб бориб тақайди; Наврўз кунни пайғамбар алайҳиссаломга ҳолва солинган қумуш жом ҳадя қилин-ган. Шунда пайғамбар «Бу нима?» — деган. «Наврўз», — деб жавоб берганлар. Пайғамбар: «Наврўз нима?» — деб сўраган. «Эронлик-ларнинг улуг хайити» — деганлар. Пайғамбар: «Тўғри, бу шундай бир кунки, Худо бунда аскарани ти-рилтирган» — деган.

«Аскара нима?» деб сўраган-лар. Пайғамбар: «Улар мингларча бўлатуриб ўлимдан кўркиб, ўз мам-лакатларидан чиққан (кишилар-дир). Шунда Худо уларга «ўлинг» деган. Сўнгра уларни шу (Наврўз) кунда тирилтириб, руҳларини ўзларига қайтарган. У Осмонга буюрган, Осмон уларнинг устила-рига ёлғир ёғдирган. Шунинг учун одамлар Наврўз кунни сув сепи-шни расм қилиб олганлар», — де-ган. Кейин пайғамбар ҳолвани еб жомни (синдириб) сўхбатдошлари-га тақсим этган ва «Қошки, биз учун ҳар кун Наврўз бўлса эди» — деган.



Қариялари кўп юрт ободидр.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Харидор тижорат дўкони со-тувчисидан сўради:

— Мана бу ёрликдаги рақам-лар пальтонинг нарҳими ёки бирор телефон рақамими?

Хотиним менга қилаётган «ху-шомад»лари эвазига «даромад» қилаяпти.

Унинг пайпоғи йўқолди. Чи-да—хотинидан яширган пули билан...

Дарахт — сув билан, пора-хўр — пул билан тирик.

У ёзиш учун яшаяпти. Бу эса, яшаш учун ёзаяпти.

Мен ўйлаб бўлгунча... хоти-ним хулоса чиқаради.

Мана бунини меҳнат дейди-лар! Бошлғимизнинг маъру-заларига қарсақ чалавериб, қа-фтларим ёрилиб кетибди-я?!

Хақиқий душман сени таш-лаб кетмайди.

Эълон: «...Хотинингиздан маошингизни яшириш йўлла-рини ўргатаман...»

Аскар уйига хат ёзди: «...сахрода хизмат қилаяпмиз. Дарахт йўқ, Жазирама. Нав-бати билан бир-биримизнинг соямизда ҳордик чиқараяп-миз».

А. ҲОШИМОВ, Самарқанд вилояти

* Мерос Абул Фароҳ

Бир хотин Сукротни жа-золаш учун олиб кетилаёт-ганини кўриб, йиғлаб юбо-рибди:

— Вой шўрим! Улар се-ни ҳеч қандай жиноят қил-маган бўлсанг ҳам ўлди-ришмоқчи!

— О тентак! — дея жа-воб қилибди Сукрот. — Наҳотки сен менинг жи-ноят қилиб, жазоланишга лойиқ бўлган жиноятчи

ҒАРОЙИБ ВОҚЕАЛАР КИТОБИ

сифатида ўлишимни иста-санг?

Афлотундан сўрашди: — Бошига кулфат туш-ган одам ўзини қандай овутиши мумкин?

У шундай жаавоб қил-ди:

— Ақлли одам тақдирга тан беради. Аҳмоқ эса бошқаларнинг бошига ҳам шундай мушкулот тушди-ку дея ўзини овутади.

Диоген бир куни қонун-сиз турилган болақайнинг йўловчиларга тош отаёт-ганини кўриб, унга шундай деди:

— Бас қил, сен отган тош беихтиёр ўз отанга тегиб кетиши мумкин.

Бир файласуф деди: — Одамзод табиати қи-зиқ — бойлигини йўқотса қайгуради, аммо умр лаҳ-залари ўтиб бораётгани-га бефарқ қарайди.

Бир одам озгингина аёлга уйланди. Ундан не-га бундай қилганини сў-рашганда шундай жавоб қилди:

— Қабоҳатнинг озроғи-ни танладим...

— Қандай таълимот энг яхши ҳисобланади? — деб сўрашди файласуфдан.

— Аҳмоқлар нафратла-надигани! — деб жавоб қилди у.

Афлотун шундай деди: — Ҳеч нарса билмайди-ган ва билишни ҳам иста-майдиغان одам жуда ёмон-дир. Чунки унда иккита гу-ноқ омухтадир.

Бир доно шундай деди: — Ақлли одам тирикчи-лик учун узоқ-узоқларга от-ланишга тайёрдир, аҳмоқ эса отамакандан нарига ўтмайди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ, Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ (Масъул котиб)
Миризулат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриула АХМЕДОВ

ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарриратта келган кўлэмалар (2 орақилда, 5 бетдан ортиқмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолаларга фикр-муҳодалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буыртма №Г-0165. 13017 нусхалда чоп этилди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ-НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6